



12/03-й -сон

« 24 » с. декабря 2020-го

Учтепа туманида мактабгача таълим бўлимининг  
2019 йил давомида амалга оширган иш фаолияти тўғрисида

“Махаллий давлат хокимигити тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси  
Конунишинг 6 ва 24-моддаларига мувофик, Халк депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши

#### КАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа тумани мактабгача таълим бўлимининг 2019 йил давомида  
амалга оширган иш фаолияти тўғрисидаги хисоботи маъдумот учун кабул  
килинсин.

2. Учтепа тумани мактабгача таълим бўлими, туман хокимининг  
уринбосарлари (А.Хужанов, Ш.Шаакрамов, Л.Алмазов, Б.Мирзаев,  
М.Арипова), туман Мазнавият ва маърифат маркази (М.Касимов), тумандаги  
таъгукли бўлим ва бошкармалар, ва Халк депутатлари Учтепа туман  
Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-  
кизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик  
жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари  
бўйича доимий комиссияси аззолари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари  
кучайтирилсин;

3. Ушбу карор изжросини назорат килиш Халк депутатлари Учтепа  
туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила,  
хотин-кизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик  
жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари  
бўйича доимий комиссияси зинмасига юқлатилсин.

4. Ушбу карор кабул килинган кундан кучга киради.

Халк депутатлари  
Учтепа туман Кенгашини  
ессени раиси

С.Имамов





19/03-й -son

« 22 » « февраль » 2020 yil

**2020 йил 1 январ холатига шакланган эркин қолдик маблаглари  
хисобидан ажратилиши лозим бўлган ҳаражатлар тўгрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бюджет кодекси  
27-моддаси ва "Махаллий давлат ҳокимияти тўгрисида"ги Ўзбекистон  
Республикаси Конунининг 24-моддасига мувофик ҳалқ депутатлари Тошкент  
шаҳар Учтепа тумани Кенгаши

**ҚАРОР КИЛАДИ:**

1. "Ўрмонинвест" давлат унитар корхонасидан олинган дарахт  
кўчатлари ва буталар учун 80,0 млн. (саксон миллион) сўм;

туман ФХДЕ биносининг кадастр хужжатларини расмийлаштириш учун,  
Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига 4 млн.  
181,2 минг (тўрт миллион бир юз саксон бир минг икки юз) сўм;

туман ФХДЕ бўлимига, иш фаолиятини самарали ташкил этиш учун  
канцелярия товарларига 2 млн. 300 минг (икки миллион уч юз минг) сўм;

туман ФХДЕ бўлимига, ахолига кўрсатилаётган ҳукукий хизмат  
сифатини янада ошириш мақсадида, EPSON WFM – 5799 русумли маҳсус  
принтер сотиб олиш учун 7 млн. (етти миллион) сўм, жами 93 млн. 481,2  
минг (тўксон уч миллион тўрт юз саксон бир минг икки юз) сўм миқдоридаги  
маблаглар туман махаллий бюджетнинг 2020 йил 1 январ холатига  
шакланган эркин қолдик маблаглари хисобидан ажратилсин.

2. Туман Молия бўлими мудири (А.Рустамов), 2020 йилнинг туман  
махаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Мазкур карор бажарилишини назорат килиш Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгашининг "Махаллий бюджетни шаклантириш ва ижро  
етиш, иктисолий ислоҳатларни амалга ошириш ва тадбиркорликни  
ривожлантириш" масалалари буйича доимий комиссияси ҳамда туман  
ҳокимининг биринчи ўзиниси (А.Хужанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман комиссии  
Сессия раиси



С.Имамов



20/03-й -сон

« 24 » « февраль » 2020 yil

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ва  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2019 йил 14-сентябрдаги "Тўйлар, оиласий тантаналар, маърака ва  
маросимлар ўtkazilishini тартибга солиш тизимини янада  
такомиллаштириш тўғрисида"ги 2736-III/КК-592-III-сонли Кўшма  
карори ижроси тўғрисида

"Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси  
Конуининг б ва 24-моддаларига мувофик, Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгashi

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туман ҳокимининг Хотин-кизлар бўйича раисининг 2020 йил  
25-февралдаги "Тўйлар, оиласий тантаналар, маърака ва маросимлар  
ўtkazilishini тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш  
тўғрисида"ги 2736-III/КК-592-III-сонли Кўшма карори ижроси амалга  
оширган ишлари тўғрисидаги хисоботи маълумот учун кабул килисинг;

2. Хотин-кизлар кўмитаси, Фукароларни ўзини ўзи бошкариш органлари  
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Учтепа туман кенгashi, "Нуроний"  
жамгармаси, "Оила" илмий - амалий тадқикот маркази, Ёшлар Иттифоқи  
туман кенгashi ва Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-  
маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-кизлар ва ёшлар, подавлат  
нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошка институтлари  
билин хамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси билан  
хамкорлик ўрнатилиши кучайтирилсин;

3. Ушбу карор ижросини назорат килиш Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-  
кизлар ва ёшлар, подавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик  
жамиятининг бошка институтлари билан хамкорликда ишлаш масалалари  
бўйича доимий комиссияни зиммасига юклайдисин;

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгashi  
Сессия раиси



Имамов

С.Имамов



21/03-й -сон

« 24 » « ғевраль » 2020 yil

**Учтепа туман адлия бўлими томонидан 2019 йил давомида амалга оширгани иш фаолияти тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳукукий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва мувассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5415-сон Фармонининг б-бандида, туман (шахар) адлия бўлимлари бошликлари тегишлича туман (шахар) халқ депутатлари Кенгашларига туман (шахар) диражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги хамда ҳукукни кўллаш амалиети холати бўйича ахборот тақдим этиши белгиланган.

2019 йил давомида Учтепа туман адлия бўлими томонидан юкорида айтиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони хамда Қарорида адлия органлари зиммасига юқлатилган вазифадар бўйича бир катор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Иисон ҳукукларини хитоя килиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши соҳасида:

Бўлим томонидан 2019 йил давомида 56 та сайёр кабуллар ташкил этилиб, муаммоли хонадонлар уйма-уй юриб ўрганилди хамда ахолининг 729 та мурожаатлари (483 та ариза ва 246 та шикоят) бўлим иш юритувига кабул килинди.

Ушбу мурожаатларнинг ўрганиб чиқилиши натижасида 698 таси ёки кариб 96 фоизи (95,8%) каноатлантирилди. Шу жумладан, 181 та мурожаат юзасидан ҳукукий тушунтиришлар берилди. Мазкур мурожаатлар асосида 69 та тақдимнома, судларга 11 та даъво аризалари, шунингдек тегишли идораларга айблор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тақлифлар киритилди. Кўлданилган таъсир чоралари натижасида манфаатдор тарафларга 57,1 млн. сўм маблаглари тўлаб берилди. Бўлим томонидан ҳукукий тартиботни амалга ошириш, ахолига кабул килинаётган конун ҳужжатларининг моҳияти ва ахамиятини етказиш, ахолининг ҳукукий

саводсизлигини йўқ килиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

Бўлим томонидан 2019 йил давомида келиб тушган 1721 та норматив-хукукий хужжатлар давлат органлари ва ташкилотларига етказилди. Шундан, 87 таси Ўзбекистон Республикаси конунлари, 305 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, 763 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 554 таси вазирликлар, давлат қўмиталари ва изораларнинг буйруклари ҳамда қарорлари, 12 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини ташкил этади. Хисобот даврида жами 908 маротаба хукукий таргигбот тадбирлари ўтказилиб, шундан 308 тасини ОАВлари оркали чиқишилар ва 553 тасини оғзаки ҳамда 47 тасини кўргазмали хукукий таргигбот тадбирлари ташкил этади. Шунингдек, бўлим томонидан ушбу соҳадаги фаолият самарадорлигини янада ошириш максадида бир катор амалий ишлар бажарилди.

Жумладан, аҳоли билан ижтимоий тармоқларда онлайн мулокотлар ташкил этиш максадида бўлимнинг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги “Учтепа туман адлия бўлими” саҳифаси ташкил этилган бўлиб, унга аъзо бўлганлар сони хозирги кунда 1000 ортикни ташкил этади.

Ушбу “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифага доимий равишда янги кабул килинган конун ва конуни ости хужжатларининг мазмун моҳиятини оддий ҳалқчил тилда бўлган тарзда жойлаштирилиб борилмокда.

Шунингдек, ушбу саҳифада “Хукукий ёрдам”, “Сўранг, жавоб берамиз!”, “Хукукингни бил ва талаб кил!” каби лойиҳалар доирасида ўзларини кизиктирган саволлари билан мурожаат этишлари мумкинлиги тўгрисидаги эълонлар жойлаштирилиб, фукароларни кизиктирган саволларнига жавоблар бериб борилмокда.

Шу билан бирга, туман адлия бўлими томонидан ҳар хил турдаги акциялар давомида буклетлар тарқатиш оркали таргигбот тадбирлари ҳамда “Адлия тадбиркорга дўст” лойиҳаси доирасида ҳамда лицензия ва руҳсатномалар олиш билан боғлик муаммолар хусусида ва бошқа турдаги аноним сўровномалар ўтказилиб, сўнгти хукукий янгиликлар тўгрисида батафсил тушунишилар бериб борилмокда.

Бундан ташкири, “Сайлов 2019” бўйича 30 дан ортик таргигбот тадбирлари, семинар ва давра сухбатлари ташкил этилди ҳамда тумандаги барча сайлов округлари ва сайлов участкалари белгиланган талабларга хослиги ўрганиб чиқилди ва натижаси бўйича туман ҳокимлиги адлия бошкармасига муносабат билдириш бўйича хатлар киритилди.

Хукукни кўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил килиш, унинг баркарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таклифлари ишлаб чикиш соҳасида:

Бўлим томонидан хукукни кўллаш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида 52 та ўтказилган ўрганишларда 14 мингта яони конунбузилишлар, хато ва камчиликлар аниқланди.

Келгусида конунбузилишлар, хато ва камчиликларга йўл кўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига 132 та тақдимнома, 1539 та огохнома, айбор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 36 та таклиф, шунингдек судларга 11 та даъво аризалари киритилди.

Курилган таъсир чоралари натижасида 37 нафар шахс интизомий ва 35 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 4 нафар шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ҳамда давлат органларининг 12 та хужжатлари бекор килинди.

Киритилган даъво аризалари натижасида айрим ходимларнинг ишга тикланиши, пенсия маблагларининг кўшилиши таъминланди ҳамда 25 млн. сўм фуқароларга етказилган моддий ва маънавий зарар ундирилиши белгиланди.

Келиб тушган мурожаатларнинг таҳлили ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида хукукни кўллаш амалиётини ўрганиш натижаларидан келиб чишиб, бўлим томонидан конунчиликни янада тақомиллаштириш бўйича 12 та таклифлар ишлаб чиқилди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг туман тузилмаларида хукукий ишларнинг ҳолатини мониторинг килиш, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофикаштириш, назорат килиш ва методик таъминлаш соҳасида:

Туман аддия бўлими томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофикаштириш, назорат килиш ва услубий таъминлаш соҳасида 2019 йил давомида бир катор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тумандаги давлат органларида 11 та юридик хизмат ходими штат бирлиги маъюжд булиб, амалда 9 нафар ходим фаолият юритмоқда Вакантлар сони 2 тани ташкил этади. Лавозимга биринчи марта тайинланга 4 нафар юридик хизмат ходимлари аддия органларида стажировка ўташ ҳамда 4 нафар юридик хизмат ходимига марта баражаси берилиш таъминланди.

Бундан ташкари, 4 нафар юридик хизмат ходимининг Юристлар малакасини ошириш марказида малакаси оширилиши таъминланди.

Юридик хизмат ходимини аттестациядан ўтиши учун хужжатлар топширилишини ва малакасини оширилишини таъминлаш ҳамда юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш ва норматив туслаги карорларни хукукий экспертизадан ўтказища белгиланган тартибга катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан 4 та тақдимнома, 11 та оғоҳнома киритилди.

Шу билан бирга, туман ҳокимлари ҳамда ҳалқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг норматив туслаги 4 та карор лойихасига ҳулосалар берилиб, хукукий экспертизадан ўтказилди.

Юкорида баён этилганларга асосан ҳамда "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Ҳалқ депутатлари Учтепа туман Кенгashi

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа туман адлия бўлими томонидан 2019 йил давомида амалга оширган иш фаолияти тўғрисидаги ахбороти маъдумот учун кабул килинсин.

2. Учтепа туман адлия бўлими фукароларнинг мурожатлари юзасидан Ҳалқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Конунийликни таъминлаш ва коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси билан ҳамкорлик ўрнатилиши кучайтирилсин;

3. Ушбу карор ижросини назорат килиш Ҳалқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Конунийликни таъминлаш ва коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу карор кабул килинган кундан кучга киради.

Ҳалқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгashi  
сессия раиси



С.Имамов



22/03/16 -son

«24» ии. февраль 2020 йил

“Обод махалла” дастури доирасида 2019 йилда амалга оширилган ишлар  
хамда 2020 йилда белгилаб олинган вазифалар түргисида

“Махаллий давлат хокимияти түргисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Конуининг 6 ва 24-моддаларига мувофик, Халк депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши

КАРОР КИЛАДИ:

1. Учтепа туман хокимининг ўринбосари Ш.Шакрамонинг 2020 йил  
24-февралдаги “Обод махалла” дастури доирасида 2019 йилда амалга  
oshiрилган ишлар хамда 2020 йилда белгилаб олинган вазифалар түргисида  
хисоботи маълумот учун қабул килинсин.

2. Учтепа туман хокимининг ўринбосари Ш.Шакрамонинг “Обод  
махалла” дастури юзасидан Халк депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг  
Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси билан  
хамкорлик ўрнатилиши кучайтирилсин;

3. Ушбу карор ижросини назорат килиш Халк депутатлари Учтепа туман  
Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривоҷлантириш, оила, хотин-қизлар  
ва ёшлар, нодаалат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошка  
институтлари билан хамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий  
комиссияси зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу карор қабул килинган кундан кучга киради.

Халк депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
сессия раиси



С.Имамов



23/03/11 -son

« 24 » « февраль » 2020 yil

**“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги  
Ўзбекистон Республикаси Конуннинг ижроси юзасидан амалга  
оширилаётган ишлар тўғрисида**

“Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Конуннинг 6 ва 24-моддаларига мувофик, Халк депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман хокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва  
маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Мирзаев ва ИИО ФМБ ёшлар  
бўйича бошлиқ ўринбосари Б.Анваров 2020 йил 29-февралдаги “Ёшларга оид  
давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуннинг ижроси  
юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги хисоботи маълумот учун  
кабул қилинсин;

2. Туманда рўйхатга олинган ишсиз ёшлар 1500 нафардан кўплигини  
инобатта олиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5466-сонли  
Фармонига асосан туманда ҳар бир секторга 5 тадан жами 20 та “ёшлар меҳнат  
гузари” куриш учун ер ажратиш масаласи кўриб чиқилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 майдаги Учтепа  
туманига ташрифи баёнига асосан “Ёшлар меҳмонхонаси” ва “COWORKING”  
марказини куриш учун ер ажратиш масаласи кўриб чиқилсин.

Хотин-кизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш максадида маҳалла ички  
худудидан ҳар бир секторга 5 тадан жами 20 та енгил турдаги кимёвий тозалаш  
шаҳобчаларини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилсин;

Аҳоли айникса ёшларни кенг китобхонликка жалб этиш максадида ҳар  
бир секторга 5 тадан жами 20 та “book cafe”ларни ташкил этиш бўйича куриш  
ўрнатилган тартибда кўриб чиқилсин;

Байдарка Каноэ спорт турига ихтисослаштирилган спорт марказини  
ташкил этиш учун ер майдени ажратилиши кўриб чиқилсин. Олимпия  
кўмитаси (R.Shoabdurahmonov) ажратилган ер майдонига ўрнатилган тартибда  
куриш ишлари олиб борилсин;

Туманда ахолини дам олиши максадида замонавий кўришишдаги маданият марказини куриш учун ер ажратиш масаласи кўриб чиқилсин.

3.Халк депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-кизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошка институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан Учтепа туман Халк таълими тизимида олиб борилаётган иш фаолияти ўрганиб чиқилсин;

4.Ушбу карор ижросини назорат килиш Халк депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-кизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошка институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зинмасига юклатилсин.

Халк депутатлари  
Учтепа туман Кенгашин  
сессия раиси



С.Имамов



24/03-ii -son

«24» «февраль» 2020yil

Туман худудида Бекобод массивидаги саноат зонасида Халқа йўли ва Коракамиш канали ўргасида жойлашган 40 сотих бино ва бино эгаллаган жаъми 1,2 гектар ер участкасини мақсадли фойдаланиш учун хокимнинг балансига олиш тўғрисида

"Махаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6,7 ва 8-моддалари, "Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 213-моддаларига мувофик, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

### КАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа тумандаги "Wiring sistem" МЧЖ экспорт бўлими бошлиги Б.Юнусовнинг туман худудида Бекобод массивидаги саноат зонаси Халқа йўли ва Коракамиш канали ўргасида жойлашган 40 сотих бино остида бўлган жаъми 1,2 гектар ердан мақсадли фойдаланиш учун хокимият балансига олиш тўғрисида хисоботи маълумот учун қабул килинсин.

2. Учтепа туман худудида Бекобод массивидаги саноат зонаси Халқа йўли ва Коракамиш канали ўргасида жойлашган 40 сотих бино остида бўлган жаъми 1,2 гектар ер участкасини конун нормаларида кўрсатилган тартибда мақсадли фойдаланиш учун хокимият балансига олинсин;

3. Ушбу карор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Саноат, транспорт, курилиш, азот ва ахолига хизматлар кўрсатилиши масалалари бўйича доимий комиссия масалалари бўйича комиссияси зинмасига юклатилсин.

4. Ушбу карор қабул килинган кундан кучга киради.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
сессия раиси



С.Имамов



25/03/-й -сон

«27» «февраль» 2020yil

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги  
ПҚ-4102-сонли қарорига асосан Учтепа тумани 3-секторида амалга  
оширилган ишлар тўгрисида

“Махаллий давлат ҳокимияти тўгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халк депутатлари Учтепа туман  
Кенгаси

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофикаштириш бошкармаси бошлиги С.Ахмедовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январьдаги ПҚ-4102-сонли қарорига асосан Учтепа тумани 3-секторида амалга оширилган ишлар тўгрисидаги хисоботи маълумот учун кабул килинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сонли “Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўгрисида”ги қарор ижросини таъминлашда Учтепа тумани 3-сектори ва Халк депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Конунийликни таъминлаш ва коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси билан ҳамкорлик ўрнатилиши кучайтирилсин;

3. Фукароларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкини, шаҳс, жамият ва давлат хавфсизлигини химоя килиш бўйича ўз ваколатлари доирасида барча зарур чоралар кўрилсин;

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халк депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Конунийликни таъминлаш ва коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммосига юклатилсин.

Халк депутатлари  
Учтепа туман Кенгашин  
сессия раиси



С.Имамов